O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

● 2009-yil ● 27-avgust ● Payshanba ● 101-102 (30.063) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Қадрли фестиваль қатнашчилари!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мана шу қадимий ва бетакрор Самарқанд заминига узоқ-яқин ўлкалардан ташриф буюрган сиз азиз меҳмонларимиз билан, дунёда ном қозонган «Шарқ тароналари» фестивалининг иштирокчилари, барча дўсту биродарларимиз ва мен учун қадрдон бўлган Самарқанд аҳли билан дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя хурсанд бўлганимни билдириб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Шу гўзал ва шукуҳли оқшомда муҳташам Регистон майдонида сизлар билан бирга нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Халқаро халқ ижодиёти кенгаши вакиллари, хорижий давлатларнинг элчилари ҳам ҳозир бўлганини биз, аввало, ўзбек халқига, бугунги ажойиб анжуманга ҳурмат белгиси сифатида қабул қиламиз ва бунинг учун барчангизга миннатдорлик билдирамиз.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўз зиммамга олган шарафли бурчимни бажариб, дунёнинг турли қитъа ва минтақаларидан келган сиз азиз меҳмонларни бутун халқимиз номидан самимий қутлаб, «Хуш келибсиз азим Самарқанд шаҳрига, хуш келибсиз Ўзбекистонга!» деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Барчамизга маълумки, дунёда жуда кўп ва турли-туман санъат ва мусиқа фестивалари ўтказилади. Албатта, уларни ҳар бирининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, ўзига хослиги, қадр-қиммати, ўз мавзу ва ғоялари, обрў-эътибори бор.

Шулар қаторида биз бундан 12 йил олдин ташкил қилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг айнан шарқона маъно-мазмуни, бетакрор руҳи ва қиёфаси борлигини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Аввало, бу фестиваль Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни акс эттирадиган, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига мафтун этиши муқаррар.

Шу билан бирга, бу фестиваль биз яшаётган бугунги нотинч ва ўта мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

Чунки тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидаги юзлаб миллат ва халқларни бирлаштирадиган энг қудратли, энг таъсирчан бир восита борки, бу — мусиқа, бу — оҳанг, бу — тарона.

Мен бир нарсага аминман — бизнинг ҳаётимизга, аввало, фарзандларимиз, болаларимизнинг онги ва қалбига ҳеч қандай чегарани, ҳеч қандай ғов-тўсиқни билмайдиган мусиқа садолари, мумтоз куй ва қўшиқлар қанчалик чуқур кириб борса, бу ўз навбатида халқларни бир-бирига яқин қилишга, ҳамкорлик ва дўстликка даъват этади ва том маънода енгилмас кучга айланиб қолади.

Бутун дунёда обрў-эътибори тобора ортиб бораётган бу фестивалнинг жаҳондаги энг кўҳна шаҳарлардан бири бўлмиш, ҳар қадамда Шарқ нафаси уфуриб турадиган гўзал ва афсонавий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бу анжуманга беқиёс жозиба ва маъно-мазмун бағишлайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимий ва ҳамиша навқирон қиёфасини, бетакрор меъморий ёдгорликларни намоён этадиган бу шаҳар ва бу ерда яшаётган, кўп асрлар давомида турли миллат ва элатларнинг энг олижаноб фазилат ва хусусиятларини, тили ва табиатини ўзида мужассам этган, меҳмондўст ва меҳрибон халқ бу фестивалнинг узвий, ажойиб бир қисмига айланиб, унга янгича файзу тароват бахш этади, десам, барчабарча шу майдонда ўтирганлар бу фикрга қўшилади.

Шу буюк шаҳарда туғилиб, унибўсган инсон сифатида мен Самарқанд халқига қаратиб, уни таърифлаб, ўзимнинг меҳрим, фарзандлик муҳаббатим ҳақида такрор ва такрор гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман. Ва бу табаррук тупроқ олдида ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун очилаётган еттинчи фестиваль ҳақида сўз юритар эканмиз, бу фестиваль ўз қатнашчиларининг сони ва иштирокчи давлатлар жуғрофияси билан, турли халқларнинг бебаҳо маънавий бойлигини кенг тараннум этиши, унга янги-янги истеъдодлар ва дунёга машҳур санъаткорларнинг ташриф буюргани, мусиқий оламининг ранг-баранглиги билан «Шарқ тароналари» мусиқа анжуманлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Буни биргина мисол, яъни фестивалимизнинг дастлабки анжуманида 31 та мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, бу йилги мусиқа байрамида 47 та давлатдан келган 260 дан зиёд моҳир созанда ва хонандалар қатнашаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.


Биз мамлакатимизда «Шарқ тароналари» фестивалини юксак савияда ўтказиш, унинг донғини дунёга таратиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрамиз.

Санъатни, мусиқани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи «Шарқ тароналари» фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб кутади, барча иштирокчиларнинг санъатига юксак ҳурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимият билан қарши олиб, ўз хурсандчилиги ва миннатдорлигини билдиради.

Ишонаман, бугун ўз ишини бошлаётган навбатдаги фестиваль «Шарқ тароналари» мусиқа анжуманининг жаҳон санъат оламида қозонган обрўсига обрў қўшиб, унинг бетакрорлиги ва гўзаллигини янада оширади, бу нуфузли маданий форум ўзида мужассам этган юксак инсоний, гуманистик ғоя ва мақсадларни, унинг ўзига хос анъаналарини давом эттиришда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги санъат ва нафосат байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



ЯНА ЯНГРАР ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида 26 август куни «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивали очилди





Инсон қалбига юксак ва беғубор туйғуларни сингдириш, уни эзгу ва хайрли ишларга даъват этишда, маънавиятини юксалтиришда мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Мусиқа, оҳанг, тарона оламдаги тили, дини ва урф-одати турлича бўлган барча миллат ва элатларни бирлаштирадиган қудратли воситадир. Айни пайтда мусиқа миллатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи муҳим омиллардандир.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзлигимизни англаш, бой тарихимизни, серқирра маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бетакрор санъатимизни, миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш, бу борада эришган ютуқларимизни жаҳон узра кенг тарғиб ва ташвиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, боқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи юксак мусиқий асарлар яратиш, ёш ижодкорларни камол топтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси 2009 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2009 йил 27 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР»

Каримов Кўчқор Салимович — Қизилтепа туманидаги «Кўчқор Каримов» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Полвонов Султанназар Шарипович — Урганч туманидаги «Паҳлавон» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ»

Раҳматова Озодахон — Сардоба туманидаги «Темур Малик» фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси пиллачилик бригадаси бошлиғи, Сирдарё вилояти

Мамажонова Дилором Тошпўлатовна — Қўрғонтепа туманидаги «Козимжон Аҳмедов» фермер хўжалиги пиллачиси, Андижон вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР»

Кўчиев Ўрол Зиёқулович — Нишон туманидаги «Нишон» ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Узоқов Малик — Бойсун туманидаги «Сайроб» ширкат хўжалиги бош чўпони, Сурхондарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Аҳмедов Назиржон Мамирович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг металл эритувчиси

Саляхов Комилжон Асхатович — Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти шиша идишлар ишлаб чиқариш цехи созловчиси, Фарғона вилояти

Санақулов Қувондиқ — Навоий конметаллургия комбинати давлат корхонаси бош директори

Халқулов Ўролбой Назарович — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти рух заводининг электролит цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»

Алланиязов Оралбай Турдибаевич — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қорақалпоқтелеком» филиали Нукус тумани телекоммуникациялар тармоғи электрмонтёри

Мирсодиқов Илҳом Икромович — «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасининг Тошкент радиотелевидение узатиш маркази мутахассиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Абдуллахўжаев Саидибурҳон Саидимуротович — «Тошавтобустранс» акциядорлик компаниясига қарашли 7-«Автокорхона» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

Жўраев Равшан Мирзаевич — Оқдарё тумани йўллардан фойдаланиш пудрат-таъмирлаш корхонасининг юк автомашинаси ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»

Алланов Сататдин Нуратдинович — «Суўенли» ирригация тармоқлари бошқармасининг Қўнғирот тумани бўлими экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

(Давоми 2 ва 3-бетларда)

Фракция фаолияти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ

мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирининг олдини олишга хизмат қилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Фракция «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги масалани муҳокама этди. Ушбу масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари Мўбин Мирзаев маъруза қилди.

(Давоми 3-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Усмонов Шамил Ҳамидович — «Норин-Ҳақулобод» ирригация тизими бошқармасининг экскаваторчиси, Наманган вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»

Мавлонов Абрал Анварович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учувчилар отряди командири

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ансатбаев Нажиматдин — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий театри директори

Араббоева Фаридахон Даминовна — Пахтаобод туманидаги «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Боймуродов Элмурод Дилмуродович — Шаҳрисабз тумани халқ театри режиссёри, Қашқадарё вилояти

Боқибоев Эркин Жўраевич — Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси

Бекчанов Баҳодир Каримович — Урганч тумани «Паҳлавон» болалар спорти мажмуаси қошидаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича бош мураббийи, Хоразм вилояти

Зуфаров Миржамол Мирумарович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори ўринбосари, Тошкент шаҳри

Каримов Расул Юлдашевич — Сирдарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори

Нуралиев Раҳимберди — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Оққўрғон тумани бўлими раиси, Тошкент вилояти

Раҳмонов Саид Ибрагимович — Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Бухоро вилояти

Раҳмонова Гулбаҳор Саломовна — Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Сатторов Тоштемир — Китоб туманидаги 5-«Меҳрибонлик уйи» директори, Қашқадарё вилояти

Сидиқова Энахон Абдураҳимовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби

Тоғаев Элмурат Қаландарович — Иштихон туманидаги 1-иқтидорли болалар мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Турсунов Сайфиддин Юнусович — Андижон давлат тиббиёт институти ички касалликлар пропедевтика кафедрасининг терапия курси мудири

Тўйчиев Неъматулла Сойиббоевич — Тўрақўрғон туманидаги 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Наманган вилояти

Эшматов Анорбой Аббосович — Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Қараева Хосият Ўроқовна — Денов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураҳимова Фарида Юлдашевна — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси

Аҳмедова Дилқуша Абдукаримовна — Хонобод шаҳридаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Болтаев Бозорбой Каримович — «Полвон-Газовот» ирригация тизими бошқармаси бульдозерчиси, Хоразм вилояти

Бердиқулов Худайберди — Мингбулоқ туманидаги «Ўртақишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Дадабоев Қаюм Каримжонович — Гулистон шаҳридаги 25-«Автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

Ешаханов Дауирхан — Кегейли тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси тракторчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жабборов Тошмурод — Навоий кон-металлургия комбинати 2-Гидрометаллургия заводи майдалаш цехининг электргаз пайвандловчиси

Қодиров Ориф Маҳмудович — Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи

Комилова Ўғилой Абдуҳамидовна — Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Қудратов Абдужалил Ҳусанович — «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасининг газни олтингугурт бирикмасидан тозалаш цехи катта кузатувчиси, Қашқадарё вилояти

Қўчқоров Сапарали Холбўтаевич — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи цех бошлиғи, Тошкент вилояти

Рўзиев Эргаш Саматиллаевич — «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасининг технологик қурилма оператори, Қашқадарё вилояти

Сарбоев Дилмурод Умарович — Андижон шаҳридаги «ЎзТонгХонгКо» қўшма корхонасининг устаси

Саримсоқов Маҳамаджон — «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятининг хлорат-магний дефолиант цехи электролиз аппаратчиси

Шаропов Раҳмиддин Сиддиқович — Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Ўрозқулов Жўракул — «Зармитан геология қидирув экспедицияси» давлат корхонаси етакчи геологи, Самарқанд вилояти

Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдикаликов Минкес Жалимбетович — Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё» чорвачилик ширкат хўжалиги раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Адҳамжонов Ойбек Адилжонович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи

Арипжонов Шокир Қобилович — «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Учтепа туманидаги 10-қозонхона бошқармаси оператори, Тошкент шаҳри

Валиев Рустам — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Самарқанд алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси электрмеханиги

Ишимова Жумагул Авазовна — Жарқўрғон туманидаги «Surhonteks» қўшма корхонасининг тўқувчиси, Сурхондарё вилояти

Каримов Юсуфжон Муҳаммадович — «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятининг катта чилангар-таъмирловчиси

Маҳмудов Абдумавлон Убайдуллаевич — Сардоба туманидаги «Барака» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Мирпўлатов Вячеслав Ҳусанович — «Тошнефтгазқурилиш» акциядорлик жамияти қошидаги «Газчитранс» давлат унитар корхонасининг чилангари, Тошкент шаҳри

Муротов Исмоил Усмонович — Қамаши тумани «Пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамиятининг бригадири, Қашқадарё вилояти

Муҳиддинов Комил Ярашевич — Навоий кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси автогрейдер ҳайдовчиси

Раҳимов Ачилбой — Урганч туманидаги «Чоткўпир» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси экскаваторчиси, Хоразм вилояти

Рустамқулов Абдусали Исақулович — «Ўзбеккўмир» акциядорлик бирлашмасининг Ангрен кўмир кони юкловчи кран машинисти, Тошкент вилояти

Соипов Жўрабек Зайниддинович — Учтепа туманидаги «Шофайзибоғи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Сайдалиев Ҳасанбой — «Чортоқиркурилиш» шўъба корхонасининг экскаватор-машинисти, Наманган вилояти

Сирожиддинов Фазлитдин Нуритдинович — «Хоразм Шакар» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси бош директори

Тожибоева Матлуба Мусурмоновна — Жиззах шаҳридаги «Зилола текс» акциядорлик жамиятининг тикувчи-мотористи

Турдиева Хумор Раҳматовна — Қарши шаҳридаги «Арал» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Ҳайитов Неъматжон Маҳамажонович — «ЎзКорам» қўшма корхонаси таъмирлаш бўлими пресс-форма таъмирлаш муҳандиси, Андижон вилояти

Якубов Мирзаҳалим Абдуғаниевич — Марғилон шаҳридаги 6-механизациялашган кўчма колоннаси масъулияти чекланган жамиятининг бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Қурбонова Амирхол Омоновна — Қумқўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Сурхондарё вилояти

Ҳакимов Абдулло Маликович — «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Газлимагистралгазқувурлари» бошқармаси электрмонтёри, Бухоро вилояти

Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдукаримова Мавжуда Шукуровна — Жиззах шаҳридаги «Хумо» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

Алфёров Владимир Карлович — Собир Раҳимов туманидаги «Оникс» акциядорлик жамиятининг металларга қайта ишлов берувчиси, Тошкент шаҳри

Асланова Шаҳодат Тўраевна — Шаҳрисабз тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қашқадарё вилояти

Болтабоева Санобар — Бувайда туманидаги «Бувайда» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

Бочкарева Тамара Александровна — Чилонзор туманидаги «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Жўраева Матлуба Йўлдошалиевна — Поп туманидаги «Папфен» тўқимачилик қўшма корхонасининг ип йигирувчиси, Наманган вилояти

Ермалаев Александр Александрович — «Ўз-ДонгВонКо» ёпиқ акциядорлик жамиятининг сифат назорати бўлими бошлиғи, Андижон вилояти

Жаманчаева Серсенгул Кенжабековна — Пешқу туманидаги «Варахшо» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Исмоилов Низом Исомович — Конимех тумани ветеринария лабораторияси директори, Навоий вилояти

Каримов Махсетбай Исмайлович — «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик жамиятига қарашли «Устюрт қидирув бурғулаш бошқармаси» шўъба корхонасининг бурғуловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Кудратов Лутфилло — Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ва ишлаб чиқариш бошқармаси «Меъмор» акциядорлик жамияти тош ўймакорлик ишчиси

Маганов Баҳодир Дўсжонович — Чирчиқ шаҳридаги «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятининг карбамид цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

Маринин Владимир Юрьевич — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг прокат цехи токари, Тошкент вилояти

Нетуллаев Жамият Юсупович — «Тахиатошгидроэнергоқурилиш» бошқармаси электр пайвандчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Нуриев Санжар Маҳмудович — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Термиз туман кенгаши раиси, Сурхондарё вилояти

Турсункулов Мутал — «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг электр пайвандчиси, Тошкент вилояти

Филиппов Анатолий Александрович — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг «Коулди» кони ер ости участкаси проходкачиси, Тошкент вилояти

Хўжаева Оқилжон Ортиқовна — Урганч тумани телекоммуникация боғламаси телефончиси, Хоразм вилояти

Якубов Уммат — Сайхунобод туманидаги «Сайхун» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
(100 ёшдан ошганлар)

Бабашова Маруфат — Ўртачирчиқ тумани, Тошкент вилояти

Бўронова Ҳақиқ — Шофиркон тумани, Бухоро вилояти

Гайпова Зинеп — Шуманай тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Гиясова Ойшахон — Қўқон шаҳри, Фарғона вилояти

Дўсчонова Шарипа — Боғот тумани, Хоразм вилояти

Камолова Хосият — Пастдарғом тумани, Самарқанд вилояти

Менглиев Шоберди — Нишон тумани, Қашқадарё вилояти

Нишонова Махсуда — Марҳамат тумани, Андижон вилояти

Нишонова Несибали Қаршибоевна — Зарбдор тумани, Жиззах вилояти

Равшанова Норбуви — Хатирчи тумани, Навоий вилояти

Султонова Гайнижамол — Шайхонтоҳур тумани, Тошкент шаҳри

Ҳасанова Мисол — Гулистон тумани, Сирдарё вилояти

Эгамов Абдураҳмон — Уйчи тумани, Наманган вилояти

Эшбобоева Айтура — Жарқўрғон тумани, Сурхондарё вилояти

Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фазилатларини намоён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотлансин:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алдамжаров Жарасбай Бодикович — Тахтакўпир туманидаги хусусий ҳунарманд, Қорақалпоғистон Республикаси

Аҳмадалиев Бердибой — Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон-Неъмат» муқобил машина-трактор парки темирчиси, Тошкент вилояти

Бахтиев Ризо Бердиевич — Самарқанд туманидаги уста-ҳунарманд

Бўронова Дилфуза Бўриевна — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Қамаши тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти

Эргашев Аскарали Шаробиддинович — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Ўзбекистон тумани бўлими раиси, Фарғона вилояти

Исмоилова Муқаддам Абдуллажоновна — Наманган шаҳридаги тикувчилик ва зардўзлик билан шуғулланувчи тадбиркор

Қаратаев Эшпўлат Куканович — Сирдарё вилояти ногиронлар тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази устаси

Мўминова Жамила — Термиз шаҳар кўзи ожизлар жамияти ўқув корхонаси тикувчиси, Сурхондарё вилояти

Перова Олеся Викторовна — Зарафшон академик лицейининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Навоий вилояти

Расулов Ҳикмат Ҳусанович — Чилонзор туманидаги «Байнал-Минал» ногиронампутантлар футбол командасининг футболчиси, Тошкент шаҳри

Сапарова Ажар Тўраевна — Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг «Урганч» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси, Хоразм вилояти

Усвалиев Акмалжон Бегижонович — Булоқбоши туманидаги аҳолига компьютер хизматлари кўрсатувчи тадбиркор, Андижон вилояти

Ҳамроев Рамазон Барноевич — Бухоро шаҳридаги 24-махсус кўзи ожиз болалар мактаб-интернати дефектолог-ўқитувчиси

Эратов Фармон Бозорбоевич — Зарбдор туманидаги «Андижон» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби, Жиззах вилояти

Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётганлардан қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурасулов Зайниддин Аширбоевич — Паркент тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автокран ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

Азимов Акбарали Сотволдиевич — Улуғнор туманидаги «Дўстлик» муқобил машина-трактор парки тракторчиси, Андижон вилояти

Азимов Мансуржон Мухторович — Боёвут туманидаги ҳунарманд-уста, Сирдарё вилояти

Алибеков Бахтиёр — Янгиобод тумани электр тармоқлари корхонасининг диспетчери, Жиззах вилояти

Аликулов Сайдилла — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг шўъба бошлиғи

Арипова Гулбаҳор Маркаевна — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи

Аскарова Маърифат — Тўрақўрғон туманидаги «Катта Қўрғонча» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Аҳмедов Акмал — «Пахта тозалаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамиятининг стандартлаш ва метрология бўлими мудири

Аҳмедов Холиқназар Эргашевич — Бахмал туманидаги «Элёр Эргашев» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Баймуратов Кутлимурат Аметович — Тахтакўпир тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Бастамова Фарида Мамасолиевна — Арнасой туманидаги «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Боборасулова Комила Намановна — Нуробод туманидаги «Чеҳра» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг тикувчи устаси, Самарқанд вилояти

Бойқуватов Ишмурза Хушмуродович — Чироқчи туманидаги «Пахтатозалаш» акциядорлик жамиятининг ишчиси, Қашқадарё вилояти

Болтабоев Сирожиддин Номозович — Пайариқ туманидаги «Отақул Умар ўғли» машина-трактор парки механизатори, Самарқанд вилояти

Валиева Карима Акромовна — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бўлим бошлиғи

Газиев Алишер Шукурович — «Махсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Миробод-Махсустранс» автокорхонаси ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Дадаева Галина Ивановна — Чиноз туманидаги «Йўлтушган» фермер хўжаликлари уюшмаси пиллачиси, Тошкент вилояти

Даминов Рўзали Жалолович — Фарғона механика заводининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Дедабаева Мархабат Иномбоевна — Наманган шаҳридаги «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг пайвандчиси

Жабборов Режабболи — «Наманган-телеком» филиалининг Норин телекоммуникация боғламаси электрмонтёри

Жамолхўжаев Тоҳирхўжа Тошхўжаевич — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг бўлим бошлиғи ўринбосари

Жумаев Бахшилло Ширинович — Бухоро шаҳридаги «Зардўзлик» маркази раҳбари, зардўз-уста

Дотхоев Ибодулло Меликович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Самарқанд авиация-техника базаси цехи муҳандиси

Жиемуратов Сададдин — «Тахиатош иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жуманиязов Рустам Бакдурдиевич — Хива туманидаги «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамиятининг бўлим бошлиғи

Иномов Собир Маҳмудович — Наманган шаҳридаги 2523-«Автожамланма» акциядорлик жамиятининг юк автомашинаси ҳайдовчиси

Исаев Шавкатулла Жўраевич — «Сувсоз-трести» давлат унитар корхонасининг Сергели тумани бошқармаси диспетчери, Тошкент шаҳри

Калдибаев Торабек Дуйсенович — «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг бошқарма бошлиғи

Каримов Абдумавлон — Гулистон туманидаги «Янгилик» фермер хўжалиги механизатори, Сирдарё вилояти

Қосимов Комилжон Қабулович — «Норин-Қорадарё» ирригация тизимлари насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси Пахтаобод тумани бўлими бошлиғи, Андижон вилояти

Қирғизбоев Олимжон Ҳошимович — Тошлоқ туманидаги «Қишлоқхўжаликкимё» шўъба корхонасининг тракторчиси, Фарғона вилояти

Колдомасов Евгений Борисович — «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» акциядорлик жамиятининг йиғув цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри

Комичева Валентина Васильевна — «Кўприккурилиш трести» давлат унитар корхонасининг кўприк қурилиш отряди арматурачиси, Тошкент шаҳри

Қорабоев Илҳомжон Сулаймонқулович — Данғара туманидаги 6-хўжалик ҳисобидаги автокорхона ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Косимбетова Бибисанем Жумабаевна — Қораўзак туманидаги «Қорақўл» овул фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қуватов Аман Қуватович — Республика «Нуроний» жамғармасининг Дўстлик тумани бўлими раиси, Жиззах вилояти

Курбонов Рўзимурод Хўжамуродович — Қоровулбозор туманидаги «Қоровулбозор» ширкат хўжалиги бош чўпони, Бухоро вилояти

Лапшин Юрий Константинович — Мирзо Улуғбек туманидаги «ТТЗ-Аланга» шўъба корхонасининг чилангари, Тошкент шаҳри

Мавлонов Исмоил Сулаймонович — Бухоро шаҳридаги «Гулабиён» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

Мамадалиев Умид Аҳмаджонович — Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати» акциядорлик жамиятининг устаси, Тошкент вилояти

Маматов Нуриддин Омонқулович — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг бўлим мудири

Мамедов Артик — «Сурхондарё-телеком» филиалининг «Узун телекоммуникация» боғланмаси электрмеханиги, Сурхондарё вилояти

Маҳқамов Ғайрат Ўткирович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг бошқарма бошлиғи

Маҳмудов Нурмат Рўзиматович — Марғилон шаҳридаги 6-«Механизациялашган кўчма колонна» масъулияти чекланган жамиятининг ғишт терувчи устаси, Фарғона вилояти

Менгалиев Тиркеш Сапарович — Шуманай туманидаги «Сердар» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миргазянов Гуломжон — «Мирзачўлгидрогеология» очиқ акциядорлик жамиятининг бош гидрогеологи, Сирдарё вилояти

Мирзабоев Маҳамаджон Кенжаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «Ўзтемирйўлмаш-таъмир» унитар корхонаси чилангари

Мирзаолимова Лолахон Қодировна — Ёзёвон туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Миркомилов Нормаҳамат Адаҳамович — Хўжаобод туманидаги 95-«Автокорхона» масъулияти чекланган жамиятининг юк автомашинаси ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Мўйдинов Гуломжон — Тўрақўрғон тумани электр тармоқлари корхонасининг устаси, Наманган вилояти

Муродов Азамат Жўракулович — Ғиждувон туманидаги «Тошработ-Жилвон» ирригация тизими бошқармаси экскаваторчиси, Бухоро вилояти

Мусаева Муборак Султоновна — Бўка туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

Назаркулов Абдували Абдувоитович — «Ўзбеккўмир» акциядорлик бирлашмасининг «Ангрен» кўмир кони экскаватор машинисти

Назаров Бозор — Сариосиё туманидаги «Узун» давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси, Сурхондарё вилояти

Намозова Шоҳида Эгамовна — Қарши туманидаги «Феруза» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Нарзуллаев Жўрабой Муротович — Сирдарё тумани коммунал фойдаланиш бошқармаси ишчиси

Насимов Тўра Жўраевич — «Фотон» очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

Ниёзова Зулфия Абдуалиевна — Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинсой биринчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

Норматов Одилжон Туманович — Янгиқўрғон тумани «Коммунал фойдаланиш» масъулияти чекланган жамиятининг ҳайдовчиси, Наманган вилояти

Нуриллаев Мадриим Раҳимович — «Манғит-Назархон» ирригация тизими бошқармаси экскаваторчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Нурматов Шарифжон Йигиталиевич — Фурқат туманидаги «Маъруф» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Нурметов Боғибек Эркаевич — Ҳазорасп туманидаги 93-«Автокорхона» масъулияти чекланган жамияти чилангар-созловчиси, Хоразм вилояти

(Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда)

Олломов Йўлдош — Гурлан туманидаги «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамияти ишчиси, Хоразм вилояти

Омонова Одина — Олтинкўл туманидаги «Айшахоним» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Оразбаев Онғарбай Қошқарбаевич — «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонаси энерготехника цехи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ортиқов Исроил Эшмуротович — Пскент туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Отажанов Жаббарберган Мадаминович — Янгибозор туманидаги «Ёғду» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори, Хоразм вилояти

Очилов Тўхтапўлат Аслонович — Навбаҳор туманидаги «Сармиш» ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

Пўлатов Нурулла Нурмуҳамедович — Юнусобод туманидаги 8-«Автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Раззоқов Абдуқаҳҳор Аскарович — Бешариқ туманидаги «Бешариқ» машина-трактор парки акциядорлик жамияти «Магнум» ҳайдов трактори оператори, Фарғона вилояти

Расулова Флора Абдуллаҳадовна — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқармаси бош мутахассиси

Раупова Нилуфар Ҳайдаровна — Ғузор туманидаги «Батош» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Раҳимов Шодмонали — Балиқчи туманидаги «Олимбек» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Рўзиев Шарип Қўчқорович — «Нарпайгазтаъминот» корхонасининг газ пайвандловчиси, Самарқанд вилояти

Сабирова Шукуржон Ражабовна — Шовот туманидаги «Матсафаев Абдурахмон» пиллачилик фермер хўжалигининг пиллачиси, Хоразм вилояти

Сапаров Нуритдин Қосимович — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг металлургия цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

Сапаров Ҳазраткул — Булунғур туманидаги «Қуёш» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Сафарматов Мирҳамид Абдиқаҳорович — «Ўзбекэнерготаъмир» акциядорлик жамиятининг чилангари, Тошкент шаҳри

Сафаров Бахтиёр Аҳмедович — Миришкор туманидаги «Сафар ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Сидиқова Мавлуда Нуфтиевна — Қосон туманидаги «Мамадиев Ёрқул бобо» хусусий корхонаси цех бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Сколобан Евгений Владимирович — Навоий кон-металлургия комбинатининг Автомобиль транспорти бошқармаси ҳайдовчиси

Собиров Ўлмас Аликулович — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бўлим бошлиғи

Сотиболдиев Раҳмонали Олимович — Наманган тумани «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайн оператори

Сулаймонова Сайёра Иляшовна — Қуйичирчиқ туманидаги «Ал-Абдусалом» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

Султонов Рустам Хурсандович — Ургут туманидаги «Қуйи Тегана қурувчи» хусусий корхонаси пайвандловчиси, Самарқанд вилояти

Тарасенко Владимир Юрьевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бўлим бошлиғи

Тилавов Шукрулло Муҳаммадиевич — Учқудуқ туманидаги «Учқудуқ иссиқ нон» хусусий корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

Тиловов Жума Эрмуротович — Ангор туманидаги «Эшбўри Бекмуродов» фермер хўжалиги сувчиси, Сурхондарё вилояти

Тоғаев Ғулом Авилович — «Жанубсаноатмонтаж» акциядорлик жамияти 117-монтаж-қурилиш бошқармасининг чилангар-монтажчиси, Навоий вилояти

Тоиров Мардон Жўраевич — Бўка туманидаги «Темур» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Тошболтаева Комилахон Долимовна — «Автоойна» очиқ акциядорлик жамиятининг печь оператори, Фарғона вилояти

Тошева Фозила Раҳматовна — Коғон туманидаги «Сараён» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

Тўйев Мамат Эрмаматович — Коғон шаҳридаги 17-йўл қурилиши машиналари станциясининг машинисти, Бухоро вилояти

Тўйчиев Кудратали Шокиржонович — Олтиариқ туманидаги «Юксалиш саховати» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Тўрабоев Равшан Абдурасулевич — «Тошкент лок-бўёқ заводи» акциядорлик жамиятининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси

Тўракулова Рухсораой Нашировна — Нурота туманидаги хусусий тадбиркор-касаначи, Навоий вилояти

Тўрахонов Абдурасул Валиевич — «Тошкент қурилиш моллари комбинати» акциядорлик жамиятининг чилангар-таъмирчиси

Турсунов Мирвали Самикович — Яккасарой туманидаги «Дамариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Турсунов Носиржон Ҳусанович — Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўзкабель» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи прессловчиси, Тошкент шаҳри

Умаров Нарзулла Усмонович — Мирзачўл туманидаги «Наргиза» паррандачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўринбоев Муталиб Ортиқович — Фарғона вилояти «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасининг муҳандис-механиги

Ўринова Ойистахон Мамажоновна — Избоскан туманидаги «Гулзор пари» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Ўрунова Жамила Онаровна — «Саммаишифсервис» ишлаб чиқариш корхонасининг Иштихон тумани бўлими зардўзи, Самарқанд вилояти

Усмонов Низомиддин Зайниевич — Каттақўрғон шаҳридаги 2518-«Автокорхона» давлат унитар корхонаси мисгари, Самарқанд вилояти

Утемуратов Махмут Матенович — «Қорақалпоқэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти Чимбой филиали электрмонтёри

Файзуллаев Азим Саъдуллаевич — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг йўл хизмати катта устаси

Ҳабибуллаев Саломбек Пўлатович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бошқарма бошлиғи

Ҳайитов Эркин Туймаевич — Ховос туманидаги «Зарафшон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ҳайтбаев Уразимбат Кадирбаевич — «Урганчтрансгаз» компаниясининг Хўжайли туманидаги 5-компрессор станцияси чилангари, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳакимов Сафарали — Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ-85» очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Ҳасанова Хосият Бекмуротовна — Кармана туманидаги «Севинч Феруз» пиллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Худайбергенов Шараф Кўчқорбоевич — «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонасининг цех бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Хўжаева Карима Нуриддиновна — Денов туманидаги «Фарғона» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Чориев Бобоназар Шоназарович — Жондор туманидаги «Оллоҳназар Шоҳназар Бобоназар» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Шарипов Нурилла Убайдуллаевич — Учтепа туманидаги «Дианорг сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори, Тошкент шаҳри

Шегай Екатерина Константиновна — «Сувмаш» акциядорлик жамиятининг деталларни қадоқлаш бўлими ишчиси, Тошкент шаҳри

Шеркўзиев Раҳматжон Раимович — Ҳамза туманидаги 1-«Автокорхона» акциядорлик жамиятининг автобус ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Шойзоқов Муҳаммади Товбоевич — Зарбдор туманидаги «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси чилангари, Жиззах вилояти

Эргашова Хатича Исаевна — Шўрчи туманидаги «Ялти» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

Эсанов Жамол Тўйчиевич — Самарқанд вилояти «Ҳунарманд» уюшмаси ёғоч ўймакори устаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси

Эсиргапов Қувондиқ Иброҳимович — Дўстлик туманидаги «Зарбулоқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Эсиргапов Юсуп Тоғаевич — Ғаллаорол магистрал газ қувурлари корхонаси юк автомашинаси ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

Юсупов Алишер Турсунович — Ҳамза туманидаги «Подъёмник» акциядорлик жамиятининг токари, Тошкент шаҳри

Юсупов Зокир Бакирович — Қўшработ туманидаги «Жонбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Юсупов Исмоил Қурбонбоевич — Янгиариқ туманидаги «Ғишт таъминоти» масъулияти чекланган жамияти сувоқчиси, Хоразм вилояти

Қаниязов Махсетбай Торебаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Қўнғирот темир йўл масофаси йўл устаси

Қобилов Ғуломжон Абдиназарович — Шаҳрихон туманидаги «Қаландар юлдузи» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Қодиров Бозор Раимович — «Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси» давлат корхонасининг бош геологи, Бухоро вилояти

Қодиров Ҳафизхон — Косонсой туманидаги «Косонсой жаҳон» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Қурбонов Мўмин Жўраевич — Олтинсой туманидаги «Бунёдкор қурилиш» шўъба корхонаси бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Қурёзов Шоназар Язилович — Қўшкўпир тумани телекоммуникация боғламаси муҳандиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 26 август

Фракция фаолияти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ

мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирининг олдини олишга хизмат қилмоқда

Таъкидландики, Президентимиз томонидан 2009 йил 13 февралдаги Ҳукумат йиғилишида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш, биринчи навбатда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган қарорларни бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ривожлантиришни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлади. Ушбу даврда ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалигида 4,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизга, чакана товар айланмаси 17,7 фоизга, пуллик хизматлар ҳажмининг 18 фоизга ўсиши таъминланди. Инфляция даражаси 3,6 фоизни ташкил этди ҳамда прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Аҳолининг реал даромадлари 25,9 фоизга кўпайди.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инқироз ва унинг кескин оқибатларига қарамай, ташқи иқтисодий фаолият изчил ривожланди. Маҳсулотни экспортга чиқариш ҳажми кўпайди. Ташқи савдо ва тўлов баланси янада мустаҳкамланди.

Молия вазири ўринбосари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий йўналтирилган дастурларни молиялаштириш билан боғлиқ фракция аъзоларининг кўпгина саволларига жавоб қайтарди.

Мажлисда кўрилган ушбу масала юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори мусиқа санъатимиз ривожи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларни янги, янада юксак поғонага олиб чиқди. Ушбу ҳужжат ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, фарзандларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароит яратиш, бошланғич мусиқа таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини ривожлантириш имконини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари рангбаранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ортишига хизмат қилаётир.

Самарқанд, Регистон майдони. 26 август, соат 19.00.

...Кўҳна тарихнинг боқий гувоҳи бўлмиш миноралар ранго-ранг чироқлар ёғдусида афсонавий кўриниш касб этган. Ёқимли сабо кишига ўзгача кайфият бахш этади. Майдондаги улкан амфитеатр анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан тўлган. Улар орасида фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндалари, мусиқашунос олимлар, санъат ихлосмандлари, чет эллик журналистлар, сайёҳлар бор.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЯНА ЯНГРАР ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ



С.ЎРМОНОВ, Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Анжуман аҳли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Регистон узра карнай-сурнай, ноғора садолари таралади. Куй-қўшиқ жозибали рақсга уланади. Мусиқа садолари остида муҳташам саҳнага фестиваль қатнашчилари — 47 мамлакат санъаткорлари кириб келади.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлади ва уларга янгидан-янги ижодий ютуқлар, фестиваль ишига муваффақият тилади.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анъанавий фестиваль қисқа даврда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганини, нафақат Шарқ, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар санъат намояндалари ва ихлосмандларини ўзига кенг жалб этаётганини таъкидлади.

Миллий анъаналар ва замон руҳини ўзида мужассам этган бу санъат байрами ер юзидаги турли халқларнинг маънавий олами, орзу-интилишларини ифода этиб, инсонларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи эзгулик минбарига айланди. Айни чоғда миллий мусиқа санъатимизга бутун жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганида ҳам ушбу нафосат ва санъат байрамининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа муддатда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўплаб мамлакатлар, халқаро маданият ташкилотлари, машҳур санъат намояндаларининг бу фестивалга қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Мазкур фестивалнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу буюк шаҳар ўзининг 2750 йилдан ортиқроқ тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва боқий руҳини, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда. Шаҳарда илм-фан, маданият, санъат, мусиқа азалдан ривож топган.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган мусиқа асбоби — най топилгани, кўҳна Афросиёб деворий суратларидаги машшоқ ва муғаннийлар тасвири, Абу Носир Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг мусиқага оид назарий-эстетик қарашлари халқимизнинг қадимдан мусиқий салоҳияти нақадар юксак бўлганидан далолатдир.

Самарқанд Соҳибқирон Амир Темур замонида Шарқнинг энг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бирига айланиб, бу ерда мушоиралар, мусиқий анжуманлар уюштирилгани, унда турли юртлардан келган хонандаю созандалар иштирок этгани тарихдан яхши маълум.

Муаззам Регистон майдонининг ўзидан, бу ердаги улуғвор обидалардан мусиқа саси таралиб тургандек туюлади. Бу садолар шу масканга қадам қўйган ҳар бир инсонга тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб, эзгуликка, тинчлик ва дўстликка чорлаётгандек.

Ушбу фестиваль янги номларни кашф этиш, иқтидорларни саралаш ва юзага чиқариш, санъат ва санъаткорни юксак поғонага кўтаришнинг муҳим омилига айланди.

Анъанага мувофиқ фестиваль доирасида «Шарқ мусиқа маданиятининг жаҳон тамаддунидаги ўрни» мавзуида илмий конференция ўтказилади.

Фестиваль қатнашчилари томонидан Регистон майдонидаги асосий саҳнадан ташқари, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истироҳат боғларида, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут, Жомбой, Оқдарё, Пайариқ туманларида концерт дастурлари уюштириш кўзда тутилган.

...Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган театрлаштирилган томошалар анжуман иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Еттинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга олиб кўрсатилди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари

АНИҚ МУҚОБИЛ ТАКЛИФЛАР

ишлаб чиқиш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамасига киритиш партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятида устувор аҳамият касб этиши керак, дея таъкидланди Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти конференциясида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика ташкилотининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурлар мажмуи ва ҳудудий бандлик дастурининг устувор вазифларини бажаришда амалий иштирокини таъминлаш масаласи анжуманда батафсил муҳокама қилинди.



— Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун партия электорати манфаатларини ифодалашга қаратилган ишларимизнинг ҳуқуқий заминини янада кенгайтириб, партиянинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда, — деди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Назира Матёқубова. — Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 2008 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 106,4 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Бунда партиямиз фаоллари, депутатларимизнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор, албатта.

Партия ташкилотлари томонидан Президентимизнинг ижтимоий йўналтирилган фармон ва қарорлари ижроси юзасидан мониторинг ўтказилмоқда. Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бандлик дастурлари бажарилиши устидан ҳам жамоатчилик назорати ўрнатилган. Аммо бугун биз фақатгина мониторинг юритиш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Балки, жойларда қабул қилинаётган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ўзимизнинг аниқ, шу жумладан муқобил таклифларимизни ҳам киритишимиз лозим. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари қатор ижтимоий масалаларни кўтариб чиқди. Бироқ булар ҳали етарли эмас.

Яна бир масала. Бандлик дастурининг самарали амалга оширилиши электоратимиз манфаатлари билан бевосита боғлиқ. Нукус шаҳри саноат корхоналарида касаначиликни ривожлантириш масалалари ўрганилганида, «Каттагар темир-бетон буюмлари» ҳиссадорлик жамиятида ва шаҳарнинг 16 корхонасида касаначилар даромадларининг пастлиги кузатилган. Шу каби мисолларни депутатлар гуруҳлари чуқур таҳлил қилиб, тегишли Кенгашлар сессияларига олиб чиқиши зарур. Республика марказида аҳвол шу, деярли барча туманларда, узоқ овуллардаги масалаларни янада чуқурроқ ўрганиш, таҳлил этиш, улар асосида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш лозим. Бу борада маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг мустаҳкам ҳамкорлиги зарур.

Қайд этиш жоизки, Жамоатчилик қабулхоналаримиз электорат манфаатларини ҳимоя қилишда анча тажриба тўплади. Улар фаолияти самарадорлигини ошириш учун Кегайли, Қўнғирот туманларида кўргазмали семинарлар, қишлоқ жойларда кўчма Жамоатчилик қабуллари ташкил этилди. Натижада жойларнинг ўзида мурожаатларнинг аксарият қисми ҳал қилинишига эришилди.

Электорат вакиллари мурожаатларининг аксарияти Жўқорғи Кенгесдаги фракциямиз ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз аъзолари аралашуви билан ҳал қилинмоқда.

Афсуски, Шуманай, Элликқалъа, Тахтакўпир, Қўнғирот туман кенгашларида бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уларда фуқаролар мурожаатларида кўтарилган масалаларни умумлаштириш, тегишли соҳа раҳбарларига депутатлик сўровлари йўллаш, муаммо ечимини охирига етказиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган, депутатлар гуруҳи ваколатларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Биз ҳар бир фуқаролар йиғини, овул ва қишлоқларга, аҳоли пунктларига кириб бормасак, ўзига хос маҳаллий, ҳудудий ижтимоий муаммоларни ечишда одамларга кўмаклашмасак, уларнинг орасидан тарафдорларимизни топмасак, партиямиз Дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга қаратилган ишларимизнинг самара бериши қийин. Шу боис, сўнгги вақтларда кўпчилик тадбирларимиз айни шу жойларга кўчирилган. Бироқ, Шуманай, Қўнғирот, Муйноқ туман кенгашларининг бу борадаги ишлари суслигича қолмоқда.



Суратлар муаллифи Азамат АЛЛАШЕВ.

Қидирниёз ДЎСТНАЗАРОВ,
ЎзХДП Қораўзак туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партия электорати дуч келаётган муаммоларни уларнинг орасида кўпроқ юрган киши билади. Партия кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига тумандаги 6-сонли мактабгача таълим муассасасидан электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида мурожаат бўлди. Биз депутатларимизни жалб қилган ҳолда бу масалани комплекс мониторинг қилдик. Мактабларда компьютер, қишлоқ врачлик пунктларида тиббий асбоблардан фойдаланиш электр токи узилишлари сабабли муаммо туғдирмоқда. Маиший хизмат шохобчаларида ҳам ушбу ҳолат. Сабаб — электрдан фойдаланганлик учун қарздорлик.

Биз халқ таълими бўлими, тиббиёт бирлашмаси, электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари билан жойларда бўлиб, фуқаролар йиғинлари, маҳалла фаоллари иштирокида бир неча учрашувлар ташкил қилдик. Тушунтириш ишларини олиб бордик. Натижада, қарздорлик пасайди, электр қуввати таъминоти яхшиланди.

Юқорида Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ масала бекорга кўтарилмади. Агар биз масалага ҳар доим мана шундай ёндашсакгина кўзланган мақсадга эришамиз. Чунки, битта одамни ўйлантираётган муаммо бошқаларни ҳам ташвишга солаётган бўлиши мумкин.

Елбай БЕГМАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари ўринбосари:

— Жўқорғи Кенгесдаги фракциямиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз партиямиз электорати манфаатлари йўлида самарали фаолият кўрсатяпти, деб айтолмаймиз. Қораўзак, Мўйноқ, Кегайли, Қанликўл туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз иши анча жонланди. Кўплаб ижтимоий масалалар депутатларимизнинг аралашуви билан ижобий ҳал қилинмоқда. Лекин, жойлардаги учрашувларда, депутатлик қабулларида кўтарилган масалалар таҳлил қилиниб, умумлаштириб, улар асосида сессиялар кун тартибига масалалар киритиш бўйича ташаббуслар чиқмаяпти. Партия кенгашлари, депутатлик гуруҳларининг бу борадаги ишларини кучайтириш шу куннинг талаби.



Шараф УСНАТДИНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси маънавият-тарғибот маркази раҳбари:

— Мафкуравий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган айрим масалаларга эътибор қаратмоқчи эдим. Партия аъзолари орасидан обрў-эътиборли тарғиботчи ва ташвиқотчиларни танлаш, партия кенгашлари, бошланғич ташкилотларининг янги таркибини ўқитишга алоҳида эътибор бериш, уларни услубий материаллар билан таъминлаш жуда зарур. Чунки, партиямиз тарафдорлари, хайрихоҳларининг ортиши бевосита улар фаолиятига ҳам боғлиқ. Бир томондан қилаётган ишларимиз, иккинчи томондан айтаётган сўзимиз билан электорат вакиллари қалбига кириб борсак, албатта муваффақият қозонамиз.

Хонимжон РАЖАПОВА,
Амударё туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Партиямизда «Фаол аёллар» қаноти шаклланиб, уларнинг аъзолари, тарғиботчилари ўз ишларини кўпроқ маҳалларда ташкил этмоқда. Хотин-қизлар билан жонли мулоқотлар, уларнинг ташвишларини енгиллаштиришга қаратилган ҳаракатларимиз ўз самарасини бераяпти. Бироқ кейинги пайтларда ишимизда тизимлилик, жипслик кўзга кам ташланаяпти. Сафимиздаги салоҳиятли, катта ҳаётий тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга аёллар имкониятларидан етарли фойдаланмаяпмиз. Бундай ҳолат эса давом этиши мумкин эмас.

Конференцияда, шунингдек, 2-республика шифохонаси бош шифокори, Жўқорғи Кенгес депутати Қазоқбой Жанибеков, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Қумар Бегниязова, «Камолот» ЁИҲ Нукус шаҳар бўлими раҳбари Азамат Қалбоев ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов иштирок этиб, партия фаоллари ва депутатлик гуруҳларининг долзарб вазифалари ҳақида сўз юритди.

Конференция ЎзХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти ҳамда депутатлик бирлашмаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларни бажаришдаги амалий иштирокини таъминлаш дастури ҳамда тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу куни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Назира Матёқубова республика партия кенгаши раиси этиб сайланди.

Алписбой ИБАДУЛЛАЕВ,
«Қорақалпоғистон ҳаўази» газетаси бош муҳаррири.

Хорижликлар эътирофи

«АРҚОНЧИ»НИ ФРАНЦИЯДА ҲАМ БИЛИШАДИ




Очиқ осмон остидаги музей шаҳар номини олган Хивадаги «Арқончи» меҳмонхона мажмуини нафақат юртимизда, ҳатто чет элларда ҳам яхши билишади.

— Франциянинг Авиньон шаҳридан келдим, — дейди сайёҳ мисс Деченх Даниелла. — «Арқончи» Хивадай мўъжиза шаҳарга муносиб меҳмонхона. Бу ердаги шарт-шароитлар, қулайликлар, айниқса, миллий ўзига хослик, хизмат кўрсатиш маданияти ҳар қандай хорижлик сайёҳни лол қолдириши тайин. Одамларни айтмайсизми? Бирам дилкаш, бирам меҳмондўст... Шундай юртда яшаётганларнинг армони йўқ, десам ишонаверинг.

Суратда: «Арқончи» меҳмонхона мажмуи соҳиби, Собир Ҳасанов франциялик сайёҳлар билан; меҳмонхонанинг ташқи кўриниши.

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.



Мустақиллик имкониятлари

ШАРҒУН КЎМИРИ ХОРИЖГА

«Шарғункўмир» очиқ акциядорлик жамиятига ўтган асрнинг 40-йилларида асос солинганди. Кон юқори сифатли энергетик ёқилғи сифатида тан олинган. Маълумотларга қараганда жануб бойлиги бўлган Шарғун конидан бугунгача 7 миллион 200 минг тоннадан ортиқ тошкўмир қазиб олинган экан.

— Мустақиллик шарофати билан жамиятни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди жамият раиси ўринбосари Исмоил Турсунов. — Бунинг учун 65 миллион долларлик инвестиция киритилмоқда. Биринчи босқичда тоғ-кон ускуналарини қайта қуриш ва алмаштириш ишлари амалга оширилади. Келажакда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган хориж линияларини келтирмоқчимиз. Дастлабки юмушлар поёнига етиши билан бир йилда 200 минг тонна кўмир қазиб олинса, сўнгра бу кўрсаткич 400 минг тоннага етказилади.

Бугунга келиб жануб кўмирига хорижликлар ҳам харидор бўлишаётгани қувонарлидир. Жорий йилда 1 минг 115 тонна кўмир Покистонга экспорт қилинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Махсус бошқарма


тузиш режалаштирилмоқда

Ҳиндистон ҳукумати телефон сўзлашувлари ва интернет суҳбатларини эшитиб, мониторинг қилиб бориш билан шуғулланувчи махсус бошқарма ташкил этишни мўлжаллаб турибди. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мамлакатда террорчилик актларининг олдини олишда катта ёрдам беради, дейилмоқда Ҳиндистон Ички ишлар вазирлиги ахборотида.

Аввалроқ мамлакатда терроризмга қарши кураш бўйича марказлашган Миллий тергов-суриштирув агентлиги ташкил этилган. Ҳозир Ҳиндистоннинг йирик 4 та шаҳри — Мумбай, Ченнаи, Калькутта ва Ҳайдарободда ушбу агентликнинг антитеррор бўлинмалари фаолият олиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз: ўтган йил 26 ноябрда террорчилар томонидан Мумбай шаҳрида содир этилган террорчилик акти натижасида 174 киши ҳаётдан кўз юмган. 300 га яқин киши турли даражада тан жароҳати олган.

АҚШнинг Род-Айленд штати маъмурияти маош тўланмайдиган 12 кунлик таътилга мажбурий чиқарилди. Штат губернатори Дон Карсиернинг айтишича, дейилади «Associated Press» АА хабарида, бу жаҳон иқтисодий инқирозига қарши ишлаб чиқилган чоралардан биридир.



Европа Иттифоқи ноқонуний муҳожирликка қарши ва қонуний муҳожирларнинг ЕИга аъзо 27 та мамлакат ҳудуди бўйлаб тенг тарқалишини тартибга солувчи янги қонун лойиҳаси устида ишламоқда. Лойиҳа шу йил октябрь ойидан муҳокама қилиниши кўзда тутилган. Буни Европа Иттифоқига раислик қилувчи Швециянинг ташқи ишлар вазири маълум қилди.

Ноқонуний муҳожирликка қарши

қонун лойиҳаси

«K2Kapital» АА хабар беришича, ушбу қонун лойиҳаси ташаббускори Италиядир. Чунки Италия ноқонуний муҳожирлар оқимига энг кўп рўпара келаётган мамлакат. Италия ташқи ишлар вазирлигининг маълумотларида қайд этилишича, ўтган йилнинг ўзида Африкадан денгиз орқали келган ноқонуний муҳожирлар сони 36900 кишини ташкил этган. Бу 2007 йилдагига қараганда 75 фоиз кўп демак.

Италия ташқи ишлар вазири Франко Фраттининг таъкидлашича, муҳожирлар муаммоси нафақат ЕИ доирасидаги масала, балки бутун Европага тааллуқлидир.

ТТТ тат маъмурияти ходимлари

маошсиз таътилга чиқарилди

Умуман олганда, штатнинг 13,5 минг кишилик давлат хизматчиларидан 81 фоизи мажбурий таътилга чиқарилди. Фақат олий маълумотли ходимларгина бундан мустасно.

Маълумотларга қараганда, иқтисодий инқироз боис штатда йиғилмаган солиқлар миқдори юз миллион долларга бориб қолди, ишсизлик даражаси эса 12,7 фоизлик кўрсаткичга етди. Бу борада Род-Айленд штати Мичиган штатидан сўнг иккинчи ўриндадир.

Губернатор маҳаллий давлат органларини молиялашни ҳам иқтисод қилишни мўлжаллаб турибди. Аммо «ҳаётий зарур муассасалар» — полиция, қамоқхона назоратчилари ва қўриқчилари, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар ходимлари маош тўланмайдиган таътилга чиқарилса-да, аммо ишларини давом эттиришларига тўғри келади.



A/H1N1 вируси кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб тумов ва йўталга чалинган болалар Москва шаҳри мактаблари ва болалар боғчаларига киритилмайди. Бу ҳақда «Новости» АА хабар тарқатди.

Тумовга чалинган болалар

мактабга киритилмайди

Москва маориф департаменти раҳбари Ольга Ларионованинг айтишича, тумов болаларда оддий тумов бўлиб ҳам ўтиб кетиши мумкин, шу билан бирга, «чўчқа гриппи»нинг бошланғич белгилари ҳам бўлиши мумкин. Негаки, иккала касаллик белгилари бир хил кечади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Москва мактабларида янги ўқув йилидан эътиборан дарслар 10 дақиқа олдин бошланади.



Шу 10 дақиқа давомида бошланғич ва ўрта синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари йўлга қўйилади.

ОЛИС МАНЗИЛЛАР ЯҚИН БЎЛМОҚДА



Мамлакатимиз Президентининг бевосита раҳбарлиги ҳамда ташаббуси билан янгидан-янги темир йўл тармоқлари барпо этилиб, йўловчилар ва халқ хўжалиги юкларини ташишда кенг имкониятлар яратилмоқда. Бежизга темир йўлларни мамлакат иқтисодиётининг қон томирига менгзашмаган. «Ўзбекистон темир йўллари»да узоқни кўзлаб, стратегик режа асосидаги бунёдкорлик, қурилиш-таъмирлаш юмушлари бажарилаётир. Ислоҳотлар натижасида халқ хўжалиги юкларини мамлакатимизга ташиб келтириш, экспортга маҳсулот жўнатиш, аҳолига темир йўл хизмати кўрсатиш сифати тобора ошмоқда.

Йўловчи ташиш хизмати бўйича жорий йилнинг ўтган ойларида 7561,1 фуқарога темир йўл хизмати кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,1 фоиз кўпдир.

Поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчи ва юкларни манзилига бехатар етказишда йўлларнинг аҳамияти беқиёс, албатта. Шундан келиб чиққан ҳолда компания йўлсозлари кейинги йиллар давомида кенг қамровли таъмирлаш-реконструкция юмушларини амалга оширишаяпти. Биргина ўтган йили республикамиз бўйича жами 209,6 км. темир йўл тубдан, 319 км. йўл ўрта таъмирланиб, 236,4 км. йўл кўтармалари тўлиқ реконструкция қилинган. 54,5 км. йўл янгидан қурилиб, 156,3 км. темир йўлларга рельслар ётқизилиши баробарида 292 та тўплам стрелкали ўтказгич бруслари янгиларига алмаштирилган. Республика Мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз Президентининг бевосита раҳбарлиги остида «Янги аср лойиҳаси» — Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўл линияси фойдаланишга топширилиши Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳияти янада ошиши учун ташланган салмоқли қадам бўлди. Мазкур линияда компания қурувчилари, муҳандис-техник ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан 1 млн. 990 минг куб метр ҳажмдаги тупроқ кўтарма ишлари бажарилди, 6,52 км. бекат йўллари, 89,26 км. улоқсиз темир йўллар ётқизилди. Мазкур беқиёс лойиҳа ишга тушиши муносабати билан минглаб янги иш ўринлари барпо этилиб, аҳоли учун кўплаб турар жой масканлари, маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди.



Муҳими, бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Бундай катта ўзгаришларни Бухоро темир йўл тармоғи Самарқанд темир йўл масофасида ҳам кўриш мумкин. Айтиш лозимки, мазкур жамоа бугунги кунда тасарруфларидаги 270 км. дан ортиқ масофадаги темир йўлларда поездларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишларни бажаришаяпти. Эришилаётган ютуқлар салмоқли, муваффақиятлар етарли. Ёш, иқтидорли раҳбар Фарҳод Ҳамидов бошчилигидаги 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчининг ҳар бири янгилик яратиш иштиёқи билан ёнмоқда.



Шу боис Самарқанд — Жиззах, Самарқанд — Қарши йўналишидаги темир йўллар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллик тўйи арафасида жамоа томонидан 8 км. темир йўл жорий таъмирланди. 10 км. кўтарма йўл реконструкция қилиниб, 16 та йўл ўтказгич замонавийларига алмаштирилди.

Ҳозирги вақтда мавжуд йўл ўтказгичларининг барчаси замонавий талабларга тўла жавоб беради. Жумладан, «Марокканд», «Булунғур», «Улуғбек» йўл ўтказгич кўрсаткичларини мақтаса арзигулик. Темир йўллар мавжуд жадвал асосида тез-тез лаборатория назоратидан ўтказилади. Қаерда носозлик юзага келган бўлса, йўлсозлар уни зудлик билан бартараф этишмоқда. Темир йўлларнинг бехатар, хавфсиз ҳаракатланиши асосан йўлсозларга боғлиқ-да. Шу сабабли жамоадаги тажрибали ишчиларнинг тажрибасини оммалаштириш, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш борасида кўп иш қилинди. Бугунги кунда жамоада ўнлаб ишчилар сулоласи меҳнат қилмоқда. Жумладан, Файзиевлар, Боймуродов ҳамда Ҳожиевлар сулоласи бунга мисол бўла олади. «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Нишонбой Файзиевнинг икки ўғли Шавкат ва Шуҳрат, Холмурод Боймуродовларнинг Дилмурод ва Долмурод каби ўғилларидан ташқари турмуш ўртоғи, келини, икки нафар укаси шу ерда ишлайди. Нодир Ҳожиев ҳам ўғиллари Дилшод ва Шералига касб сирларини ўргатиш билан бирга, ўнга яқин шогирд тайёрлади.

— Сафимизга ёш ходимлар ҳам келиб қўшилишаяпти, — дея сўз бошлади ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Савриддин Насимов. — Кадрлар асосан Самарқанд темир йўл касб-ҳунар коллежи, Тошкент темир йўл муҳандислари институтидан келишмоқда. Биргина 2009 йили ўнга яқин йигит-қизлар сафимизга қўшилдилар. Жамоада «Устоз-шогирд» анъанаси давом эттирилмоқда. Ёшларни тажрибали ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларга бириктириб қўйганмиз. Шу асосда ходимларимизнинг малакаси ошиб бормоқда. Элёр Рустамов, Шуҳрат Тожиев, Беҳзод Элмуродов сингари иқтидорли ёшларимиз билан фахрланамиз.

— Мустақиллик Республикамизнинг барча тармоқлари қатори компаниямиз учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди, — дея суҳбатга қўшилди жамоа раҳбари Фарҳод Ҳамидов. — Биз ҳам тенглар ичра тенг бўлиб, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Она Ватанимиз гуллаб-яшнаши, тараққий этишига озгина бўлса-да, ҳисса қўшаётганлигимиздан бағоят мамнунмиз.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Ромитан тумани «Шўрчи» ҚФЙ ҳудудидаги 11-сон мактаб-интернатининг 50 ўқувчи ўринга мўлжалланган ётоқхонаси қурилиши» (қолдиқ иш ҳажми)

Буюртмачининг бошланғич нархи:

ҚҚС билан — 309223,39 минг сўм, ҚҚСсиз — 257686,16 минг сўм.

Қурилиш муддати — 1 ой.

Қурилиш ишлари Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 223-63-26, факс: 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдорида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар туриш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада*** бўлиб ўтади.

Истиқлол боис мамлакатимиз галла мустақиллигига эришди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги нишонланаётган шонли йилда юртимиз галлакорлари мисли кўрилмаган меҳнат зафарини қучишди. Омборларимиз донга, дастурхонлар нонга тўлди.

Шу азиз санада ўзини Ўзбекистон фарзандиман дея қалби ғурурга тўлган ҳар бир ватандошимизни Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами билан табриклаймиз. Она диёримиз янада гуллаб-яшнасин! Мустақиллигимизга асло кўз тегмасин!



«Самарқанддон» МЧЖ жамоаси

Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари»

Объявляет тендер №9 на 2009 год на приобретение Рельсов магистральный железнодорожных Р-65 Т1 длиной 25 м (без отвертстий) в количестве 10 000 тонн.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410 тел: 237-94-72, 237-96-33.



Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 со дня опубликования в средствах массовой информации.

18 yil

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилса арзигулик ўзгаришлар, янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мафтункор диёримизнинг қай гўшасига борманг, истиқлол насимидан баҳра олиб, фаровон ҳаёт завқини туяётган юртдошларимизни учратасиз. Мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш дастурининг ҳаётга оғишмай татбиқ этилаётгани боис, кексалар, нафақа ёшидаги нуроний отахону ва онахонларимиз кексалик гаштини суришмоқда. Зеро, кексаларини қадрлаган эл кам бўлмайди дейишади. Шуниси қувонарлики, бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Ҳаммамиз учун ардоқли айём — Республикамиз давлат Мустақиллигининг 18 йиллиги билан мамлакатимизнинг барча аҳлини, ҳамюртларимизни самимий муборакбод этиш бахти насиб этганлигидан мағрурмиз.

Истиқлол ҳар бир хонадонга тинчлик ва осойишталик олиб киргани рост бўлсин! Ўзбекистонимиз бундан-да тараққий этиб, гуллаб яшнасин!



«Самарқандпочтаси» акциядорлик жамияти жамоаси

«ШАҲЛО»

масъулияти чекланган жамият

Самарқанд шаҳридаги «Шаҳло» МЧЖ аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. Президентимизнинг раҳнамолиги боис кичик бизнес субъектлари, тадбиркор ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратилди. Уларни ҳуқуқий ҳимоялаш, молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарур шароит яратилди. Буларнинг барчаси Мустақиллик шарофатидир.
Фурсатдан фойдаланган ҳолда, юртимиз аҳолиси, қадим кент Самарқанд меҳмонларини Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан муборакбод этамиз!

Мустақиллигимиз бардавом бўлсин, ота-боболаримиз учун армон бўлган истиқлол халқимизга, келажак авлодларга абадул-абад насиб этсин!!

TURON BANK

Азиз юртдошлар!
Очиқ акциядорлик тижорат Турон банк сизларни Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан муборакбод этади ва қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф қилади:

18 yil

1. «ТОШКЕНТ — 2200»
Сақланиш муддати — 1 йил. Омонат фоизи йиллик 24 фоиз ҳисобидан ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади, омонат суммаси чекланмаган.

2. «БАРҲАЁТ»
Сақланиш муддати — 2 ой. Омонат фоизи йиллик 26 фоиз ҳисобидан ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади, омонат суммаси чекланмаган.

3. «БАҲОР»
Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат фоизи йиллик 30 фоиз ҳисобидан ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади, омонат суммаси чекланмаган.

Хорижий валютадаги омонатлар;

1. «BONUS PLUS»
Омонатга йиллик 9 фоиз ҳисобидан фоиз ҳисобланиб, сақланиш муддати — 6 ой бўлганда 1 фоиз, сақланиш муддати — 12 ой бўлганда 2 фоиз, сақланиш муддати — 18 ой бўлганда 3 фоиз **Бонус** қўшиб берилади.

2. «UNIVERSAL»
Омонат 3, 6, 9, 12 ой муддатларга қабул қилиниб, АҚШ долларига йиллик 9 фоиз, Евро га йиллик 6 фоиз, Англия фунт стерлингига йиллик 3 фоиз ҳисобидан ҳақ тўланади.

№	Филиаллар номи	Коди	Телефон рақами
1	Марказий амалиёт бошқармаси	371	244-29-18, 723-55-55
2	Миробод филиали	371	150-10-10, 150-10-20
3	Зангиота филиали	371	150-20-25, 150-20-26
4	Бўка филиали	370	57-36-230, 57-35-190
5	Андижон филиали	374	222-19-09, 290-65-79
6	Наманган филиали	369	226-25-46, 226-29-65
7	Фарғона филиали	373	224-06-17, 224-71-08
8	Сирдарё филиали	367	227-22-64, 227-23-10
9	Жиззах филиали	372	223-47-13, 223-47-10
10	Самарқанд филиали	366	231-07-72, 231-14-30
11	Қарши филиали	375	226-01-57, 226-24-13
12	Шаҳрисабз филиали	375	522-50-70, 522-50-75
13	Сурхондарё филиали	376	223-18-99, 223-04-53
14	Бухоро филиали	365	223-01-25, 224-44-48
15	Олот филиали	365	342-10-37, 342-22-32
16	Навоий филиали	436	224-21-08, 224-20-76
17	Хоразм филиали	362	225-84-89, 225-26-37
18	Нукус филиали	361	224-11-43, 222-56-63

Сизнинг омонатингиз:
— Солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— Маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

ТУРОН БАНК — САРМОЯНГИЗНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Қўшимча маълумотларни (+99897) 700-55-55, 723-55-55 телефонлари ёки www.turonbank.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

акциядорлик компанияси жамоаси

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ санаси билан барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этади!

Самимий эҳтиром ила Сизларга ўз қутловимизни йўллар эканмиз, энг аввало, юртимизга тинчлик-осойишталик, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!



«БУХОРО»

халқаро аэропорти жамоаси

Барча юртдошларимизни, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да фаолият кўрсатаётган касбдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналари билан самимий муборакбод этади.

Мамлакатимиз фуқароларига бахт-саодат, соғлик ва саломатлик тилайди!





«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

давлат акциядорлик темир йўл компанияси жамоаси

Ўзбекистоннинг барча фуқароларини
мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги,
қадимий ва навқирон азим Тошкентимизнинг
2200 йиллиги муносабати билан
самимий муборакбод этади.

Орзу умидларга, қувончларга тўла ушбу кунда барчага қувонч, тинчлик ва хотиржамлик, мустаҳкам соғлик тилаймиз. Юртимизнинг ҳар бир гўшасини обод ва кўкаламзор масканга айлантираётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ватандошларимиз хонадонида доимо яхши кунлар, фаровонлик, тўкин-сочинлик, бўлсин, деймиз.

Қўшалоқ байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

«СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг барча фуқароларини
мамлакат Мустақиллигининг
18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Истиқлолнинг ўтган йиллари давомида юртимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Тошкент эса дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди.

Азиз ватандошлар, қўшалоқ байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Гўзал Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаши йўлидаги меҳнатингизда зафарлар ёр бўлсин!



Мустақиллик имкониятлари

ЖАНУБНИНГ БЕТАКРОР ЖАВОҲИРИ


Термиз Амударё соҳилида жойлашган қадим ва навқирон шаҳардир. У замонлар силсиласида турли жараёнларни бошидан кечирди. Мустақиллик шарофати билан эса гуллаб-яшнади. Мамлакатимизнинг жанубий қўрғони жаҳонда ном қозонди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги дунё миқёсида кенг тантана қилинди.

Қадим юртда жаҳон тан олган кўпдан-кўп улуғ зотлар ижод қилишган, диний ва дунёвий илмлари билан ном қозонган.

Ана шундай буюклардан бири Ҳаким Термизийдир. Бу алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий.

Бу зот ёшлигидан диний ҳамда дунёвий илмларни пухта эгаллаган. Балх, Нишопур, Бағдод ва бошқа шаҳарларда бўлиб, илм-фан, маданият билан яқиндан танишган. Олиму уламолар билан ижодий ҳамкорлик ўрнатган.

Ҳаким Термизий қаламига мансуб асарлари миқдори ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи манбаларда уларнинг сони тўрт юз адад, деб таъкидланса, айримларида саксонга яқин эканлиги айтилган. Нодир жавоҳирларнинг олтмишга яқини бизгача етиб келган. Улардан энг бебаҳоси 291 ҳадисни ўзида жамлаган «Наводур ал-усул фи маърифат ахбор ар-Расул»дир. Мазкур қўлёзма айни кунларда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг кутубхонасида сақланмоқда. Унда юксак ахлоқ, қалб поклиги, адолат, инсонга муҳаббат тараннум этилган. Бундан ташқари, алломанинг ўндан ортиқ ноёб Қўлёзмалари Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истамбул ва Лондон музейларида сақланади.



Истиқлолнинг бетакрор насимлари билан буюк боболаримизнинг номлари қайта тикланди. Минг йилларни мушоҳада этган шаҳарларнинг қутлуғ тўйлари нишонланмоқда. Янги замон шарофати билан жаҳон тан олган аллома Ҳаким Термизий абадий қўним топган манзилгоҳ қайта таъмирланди. Қарийб 6 гектарни эгаллаган ҳудуд чирой очди. Мевали ва манзарали дарахтлар чор-атрофни Турфа жилолар йўғрилган нақшинкор устунлар кишининг ҳавасини келтиради.

Шуни айтиш керакки, буюк аллома қадамжоси IX аср охири — X аср бошларида барпо этилган. Меъморий обида қайта таъмирлангач, улуғвор ва мафтункор кўриниш касб этди. Бу ерда «Мерос» музейи барпо этилди. Булар барчаси ёш авлодни миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Куни кеча Сурхондарё вилоятига ташриф буюрган давлатимиз раҳбари Ҳаким Термизий меъморий мажмуини ҳам зиёрат қилди, ансамблни янада ободонлаштириш, ташқи қиёфасини янада кўркамлаштириш борасида кўрсатмалар берди.

Буюк бобомиз абадий қўним топган жой мусулмон оламида янада мўътабар зиёратгоҳга айланишига шубҳа йўқ.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Истиқлол тенгдошлари



18 ЁШ — КАМОЛОТ ЁШИМ!..

Айни кунларда юртимизда қўшалоқ байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан барча ташкилотларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Шулар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб нишонлаш мақсадида анъанага айланган ўзининг лойиҳасини тақдим қилди. «15 — бизнинг байрам!», «16 — вояга етдик», «17 — «Камолот» сардорларининг туҳфаси» сингари лойиҳаларининг давомчиси бўлган «18 ёш — «Камолот» ёшим, мустақиллик мининг тенгдошим!» лойиҳасининг тақдимоти «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида бўлиб ўтди. Унга мустақиллик тенгдошлари — 18 ёшга тўлган ёшлар таклиф этилди.

Жорий йилнинг 25 августидан 5 сентябригача ўтказилиши кўзда тутилган бу лойиҳадан мақсад — ёшларимизни Ватан равнақи ва ободлиги йўлида хизмат қилишга ундайдиган ғоялар атрофида бирлаштиришдан иборат. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида «Биз биргамиз», «Аждодлар мероси — келажак пойдевори», «Оталар маслаҳати», «Ватаним рамзлари», «Обод Ватаним», сингари тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

— Бугун биз учун катта байрам. Бу галги лойиҳани номлашда рамзий маъно бор. 18 ёшга қадам қўяр эканмиз, бу зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Чунки лойиҳаларни амалга оширувчи асосий куч ҳисобланамиз. Эндиликда биз ижтимоий-сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этиш — сайловларда овоз бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлдик. Бундан барчамиз бениҳоят мамнунмиз, — дейишди истиқлол тенгдошлари.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 749
7876 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.15
Topshirilgan vaqti — 01.15
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

СПОРТ

Футбол бўйича ўн саккизинчи миллий чемпионат 19-туридан жой олган «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари ўйинида яна бир рекорд қайд этилди. У Ривалдога тегишли.

РИВАЛДО РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ

Учрашувнинг 27-дақиқасида киритилган тўп Ривалдонинг жорий чемпионатимиздаги 18-голи бўлди ва у 1992 йилдан буён ўтказиб келинаётган Ўзбекистон миллий биринчиликлари тарихида битта чемпионатда энг кўп гол уришга эришган хорижлик футболчилар рўйхатида якка пешқадам бўлиб олди. «Насаф» билан ўтган баҳсгача у биринчи поғонани нигериялик Уче Ихеруоме билан эгаллаб турганди. Бу футболчи 2006 йили «Пахтакор» таркибида чемпионатда рақиблар дарвозаларини 17 марта аниқ нишонга олганди. Кўриб турганингиздек, Ривалдо унинг рекордини янгилади.

Ривалдо учун эндиги навбат — узоқ ва яқиндан бўлган легионерларнинг умумий рўйхатида етакчи бўлиб турган Муҳсин Муҳаммадиев натижасини забт этишдир.

Ўзбекистонда битта чемпионатда 15 та ва ундан ортиқ гол урган легионер футболчилар:

26 — Муҳсин МУҲАММАДИЕВ, Россия («Самарқанд-Динамо», 2000)
18 — РИВАЛДО, Бразилия («Бунёдкор», 2009)
17 — Уче ИХЕРУОМЕ, Нигерия («Пахтакор», 2006)
17 — Ориф МИРЗОЕВ, Туркманистон («Навбаҳор», 2006)
15 — Муҳсин МУҲАММАДИЕВ, Россия («Самарқанд-Динамо», 2001)
15 — Виталий АЛИКПЕРОВ, Туркманистон («Насаф», 2006)...



20-ТУР ЎЙИНЛАРИ ҚОЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллигига тайёргарлик кўриш ва байрам тадбирини кенг нишонлаш ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 20-тур учрашувлари қолдирилди.

Аслида 28-29 август кунлари ўтказилиши керак бўлган тур ўйинларининг янги муддатлари билан танишинг:

6 сентябрь «Металлург» — «Динамо»;
7 сентябрь «Локомотив» — «Сўғдиёна»,
«Андижон» — «Машъал», «Шўртан» — «Олмалиқ»;
13 октябрь «Навбаҳор» — «Қизилқум»,
«Бухоро» — «Хоразм», «Насаф» — «Нефтчи» жамоалари учрашуви эса янада кечроқ муддатга қолдирилди.

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Чиноз туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Азиза Полвоновага онаси

ОЛИЯ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши аъзоси, партиямиз фаоли, вилоят ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси Шакаржон Хўжаниёзовага онаси

ТЎТИЖОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилоят архив иши бошқармаси маъмурияти Самарқанд вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи Абдуолим Маматовга турмуш ўртоғи

Гулчехра МАМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ШОДИЁНАЛАРИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.



Тошкент шаҳрида:
«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.
«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.
Тошкент вилоятида:
«БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.
«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик, андрологик, асаб ва эндокрин касалликлар.
«ОҚТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
Бухоро шаҳрида:
«СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.
Жиззах вилоятида:
«ЗОМИН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
Қашқадарё вилоятида:
«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.
«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
Наманган вилоятида:
«ЧОРТОҚ» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.
Самарқанд вилоятида:
«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
Фарғона вилоятида:
«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.
ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ — 14 КУН.
Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир!
Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 256-85-68, 256-70-97.